



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**QASHQADARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi, 1-uy. [Faks: \(+99875\)221-12-88](tel:+998752211288), [qashqadaryo@exat.uz](mailto:qashqadaryo@exat.uz)

2021 yil " 8 " fevral

HQ-98/02-sonli

Qarshi shahri

**Қашқадарё вилоятида 2021 йилда давлат кўчмас мулкidan**  
**фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам**  
**ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли "Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқиб, вилоят ҳудудидаги бўш турган давлат кўчмас мулкларидан оқилона фойдаланиш, уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ижара тўловидан тушадиган даромадларни тартибга солиш мақсадида ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан 2021 йил 12-13 январда келишилган Қашқадарё вилоятида 2021 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага мувофиқ;

2021 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган ҳудудий зоналар коэффицентлари 2-иловага ҳамда радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари (техник ускуналар) ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловларини ҳисоблаш тартиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси (С.Тошев)га қисқа муддатда вилоятдаги давлат тасарруфида бўлган кўчмас мулк объектларини ижарага бериш юзасидан аввал тузилган ижара шартномаларига мазкур

қарор талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

3. Давлат мулкини балансда сақловчи давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фойдаланмасдан турган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни ва ижарага берилётган мол-мулкнинг тикланиш

қиймати тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлиги хузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасига ўз вақтида тўлиқ тақдим қилинишини таъминласин.

4. Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, Маданият, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари ҳамда бошқа тегишли давлат кўчмас мулкини балансда сақловчи ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари:

хар чоракда камида бир марта ўзининг тасарруфида бўлган давлат кўчмас мулкини тўлиқ хатловдан ўтказсин;

тасарруфидаги фойдаланилмаётган давлат кўчмас мулки тўғрисидаги маълумотларни Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасига ўз вақтида тўлиқ тақдим этилишини, шунингдек, ижарага берилётган мол-мулкнинг тикланиш қиймати тўғрисидаги тақдим этилган ахборотнинг ишончлигига шахсан масъул эканлиги;

давлат кўчмас мулкини ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сонини атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижасида ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги учун бевосита қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилсин.


5. Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси вилоят Телерадиокомпанияси, “Qashqadaryo” ва “Новости Кашқадарьи” газеталари таҳририяти билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

6. Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2020 йил 10 январдаги НҚ-24/01-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор Qashqadaryo газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими в.в.б

  
У.Бутаев

Қашқадарё вилоятида 2021 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун  
энг кам ижара тўлови ставкалари

№	Ижарага бериладиган майдонларнинг фаолият тури	Вилоят маркази Қарши шаҳри учун йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм	Вилоятнинг туманлари ва шаҳарлари учун йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм
1	2	3	4
<b>Саноат</b>			
1	Ёқилғи ишлаб чиқариш	8 700	7 000
2	Кимёвий ишлаб чиқариш	8 700	7 000
3	Нефт-кимё саноати	8 700	7 000
4	Машинасозлик	8 700	7 000
5	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	8 700	7 000
6	Ҳисоблаш техникаси воситалари саноати	8 700	7 000
7	Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	7 100	5 800
8	Курилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги	7 100	5 800
9	Енгил ва озик-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги	7 100	5 800
10	Санитар техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	8 700	7 000
11	Металл конструкция ва буюмлар саноати	8 700	7 000
12	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	8 700	7 000
13	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	8 700	7 000
<b>Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати</b>			
14	Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати	8 700	7 000
15	Ёғочни қайта ишлаш саноати	8 700	7 000
16	Целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саноати	8 700	7 000
17	Дарвоза ва эшиклар, мебел ишлаб чиқариш саноати (ёғочдан)	26 100	21 300
18	Курилиш материаллари саноати	8 700	7 000
<b>Енгил саноат</b>			
19	Тўқимачилик саноати	8 700	7 000
20	Тиқувчилик саноати	8 700	7 000
20	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	8 700	7 000
22	Енгил саноатнинг бошқа соҳалари	8 700	7 000
<b>Озик-овқат саноати</b>			
23	Озик-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	8 700	7 000
24	Гўшт ва сут саноати	8 700	7 000
25	Балиқ маҳсулотлари саноати	8 700	7 000
26	Тегирмончилик саноати	8 700	7 000
27	Комбикорм(омухта ем) саноати	7 100	5 800
28	Озик-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	8 700	7 000
<b>Саноатнинг бошқа тармоқлари</b>			
29	Тиббиёт саноати	8 700	7 000
30	Полиграфия саноати	21 195	20 000
31	Кийимларни ва газламалардан тайёрланган буюмларни кимёвий тозалаш, бўйш, ювиш ва матоларни қайта ишлаш	10 600	8 500

32	Саноатни хўжалик бошқаруви	24 400	20 000
<b>Қишлоқ хўжалиги</b>			
33	Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 гектар ер майдони учун	3 477 000	2 839 400
34	Чорвачилик ва паррандачилик	4 200	3 500
35	Балиқчилик (шу жумладан сунъий майдон) 1 гектар учун	3 477 000	2 839 400
36	Асаларичилик 1 гектар ер майдони учун	2 260 400	1 845 800
37	Ветеринария хизматлари	8 700	7 000
38	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	8 700	7 000
39	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан, боғлар) 1 гектар ер майдони учун	3 477 000	2 839 400
<b>Транспорт ва алоқа</b>			
40	Ер устида ҳаракатланувчи умумфойдаланишдаги темир йўл транспорти	8 700	7 000
41	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойлари, гараж)	8 700	7 000
42	Транспорт инфратузилмалари (жарима майдонлари)	2 200	1 900
43	Автомобилларни ювиш	27 900	20 100
44	Автомобилларга ёнилғи қўйиш	27 900	25 900
45	Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари	15 700	12 900
46	Почта алоқаси	8 700	7 000
47	Курьер алоқаси	17 400	14 100
48	Электр-симли алоқа	17 400	14 100
49	Радио, уяли алоқа ва пейджер алоқаси (иншоотларни ҳисобга олган ҳолда ҳудуд доирасида)	73 100	59 700
<b>Қурилиш</b>			
50	Қурилиш	8 700	7 000
51	Лойиҳа, лойиҳа-кидирув ташкилотлари	8 700	7 000
52	Пластик дераза ва эшиклар ишлаб чиқариш	51 200	33 500
<b>Савдо ва умумий овқатланиш</b>			
53	Улгуржи савдо	24 400	20 000
54	Маҳсулотларни (хизматларни) қисмлаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо	62 600	51 000
55	Чакана савдо	24 400	20 000
56	Умумий овқатланиш	24 400	20 000
57	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш (фаст-фуд)	38 200	28 800
58	Китоб дўконлари	3 400	2 900
59	Маданий-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини ижарага бериш жойлари	24 400	20 000
60	Халқ хўжалиги савдо-харид маҳсулотлари даллолик хизматлари	38 200	31 200
61	Моддий-техника таъминоти ва етказиб бериш	24 400	20 000
62	Маълумот-ҳисоблаш хизматлари	24 400	20 000
63	Интернет ва компьютер тармоқлари орқали хизматлар кўрсатиш	24 400	20 000
64	Кўчмас мулклар билан боғлиқ муносабатлар	24 400	20 000
65	Реклама, кўرғазмалар хизматлари	24 400	20 000
66	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича	24 400	20 000
67	Геология ва табиий бойликларни кидириш, геодезия ва гидрометеорология хизматлари	43 500	35 400
68	Таҳририят ва нашриётлар	14 000	11 400
69	Металлолом ва иккиламчи қоғоз(латта) маҳсулотларини тўплаш жойлари	14 000	11 400

70	Турар жой - коммунал хўжаликлари	14 000	11 400
71	Меҳмонхона хўжалиги	27 800	22 700
72	Умумий яшаш жойлари	21 700	17 300
73	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	14 000	11 400
74	Сартарошхона, фотосалон, модалар ательеси, пойабзалларни таъмирлаш устахонаси	21 000	17 300
75	Ломбардлар	31 500	25 700
76	Ҳаммомлар	41 900	34 200
77	Сауна ва бассейнлар	83 500	68 300
<b>Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот</b>			
78	Соғлиқни сақлаш	17 400	14 100
79	Сайёҳлик ва дам олишни ташкил этиш	17 400	14 100
80	Фитобар	12 100	9 800
81	Маданий кўнгиш очар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	27 800	22 700
82	Жисмоний тарбия ва спорт	8 700	7 000
83	Дорихоналар	14 000	11 400
84	Оптика, тиббиёт анжомлари ва жиҳозлар савдо дўконлари	29 300	18 000
85	Ижтимоий-дорихоналар	12 400	9 200
<b>Таълим</b>			
86	Олий ва ўрта- махсус таълими маълумотли кадрларни тайёрлаш ( ўқув курслари билан)	14 000	11 400
87	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	10 900	9 300
88	Болалар умумтаълим болалар мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	7 100	5 800
89	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	8 700	7 000
90	Мактабгача тарбия муассасалари(нодавлат таълим муассасалари учун)	6 200	5 300
91	Маданият ва санъат	24 400	20 000
92	Кўрғазмалар	18 800	16 100
93	Мактабдан ташқари тарбия	7 100	5 800
94	Маданият ва дам олиш боғлари	17 400	14 100
95	Ботаника боғлари ва зоопарклар	17 400	14 100
96	Телевидениялар ва радиоэшиттириш редакциялари	17 400	14 100
97	Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари	27 800	22 700
98	Фан ва илмий хизматлар кўрсатиш	10 600	8 500
99	Автомактаблар	15 500	10 100
<b>Молия-кредит фаолияти</b>			
100	Молия, кредит ва пенсия таъминоти (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари)	24 400	20 000
101	Аудиторлик фаолияти	24 400	18 700
102	Банк фаолияти	24 400	20 000
<b>Фаолиятнинг бошқа турлари</b>			
103	Суғурта ва нотариал хизматлар	24 400	20 000
104	Суд ва юридик хизмат муассасалари	21 000	17 300
105	Адвокатлар коллегияси ва юридик маслаҳатхоналар	21 000	17 300
106	Жамоатчилик бирлашмалари	7 100	5 600
107	Омборхоналар	24 400	20 000
108	Давлат ташкилотларига офис	10 600	8 500
109	Хусусий ташкилотларга офис	38 200	31 200
110	Архив хизмати	10 600	7 200
111	Ёнгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизация)	27 800	22 700

112	Лабораториялар	17 400	14 100
113	Турли хизмат турлари тўловлари (пайнет)	69 900	57 000
114	Маданий мерос объектлар бино ва иншоатларида жойлашган савдо дўконлари	38 200	31 200
115	Маданий мерос объектлар бино ва иншоатларида жойлашган умумий овқатланиш шахобчалари	33 400	27 300
116	Авиа кассалар (шу жумладан темир йўл, автотранспорт ва бошқалар)	38 200	31 200
117	Банкоматлар	348 400	284 500
118	Нон - булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш	24 400	17 300

**Изоҳ:**

\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилиш баёнининг (30.06.2009 й. №7/10-41) 11-бандига мувофиқ, Қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида фаолият юритаётган мулкчилик шаклидан қатъий назар дорихона муассасаларига давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси қўлланилади.

\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига асосан ёпиқ ҳарбий шахарчалар, ҳарбий қисм ва муассасалари ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг савдо бошқармаси таркибий бўлинмалари учун кўчмас давлат мулкidan фойдаланганлик учун ижара ҳақининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.07. 2014 йилдаги 02/107-2670-сонли топшириғига асосан 2014-йилнинг 1-августидан бошлаб "Тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати" Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг Қарақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (шу жумладан Миробод тумани) Кенгашлари, шунингдек, "XXI аср" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти учун Ўзбекистон Либерал Демократик партияси балансидаги тегишли давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси белгиланган.

\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги "Ёш тадбиркорлар кластерини ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги 834-сонли қарорига мувофиқ, давлат мулки, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида жойлашган давлат мулки объектлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг шаҳар ва туман кенгашлари тавсиясига асосан 5- йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара тўловининг "ноль" ставкаси асосида берилди.

\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан, 2018-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тавсиясига асосан Олимпиада ўйинлари ғолиблари ва совриндорларига хусусий спорт муассасаларини ташкил этиш учун давлат мулки, шу жумладан аҳоли кам жойлашган ҳудудлардаги ер майдонлари ижара тўловининг "ноль" ставкаси асосида ажратилади.

\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 августдаги 609-20-сонли топшириғига асосан, келгусида Мудофаа вазирлиги томонидан вазирлик тизимидаги ўз ваолиятини иқтисодий мустақиллик, ўзини ўзи таъминлаш ва молиялаштириш тамойиллари асосида амалга оширадиган давлат унитар корхоналарига, шунингдек вазирликнинг бошқа таркибий бўлинмаларига биноларни, иншоатларни, жойларни, асбоб ускуналарни, мебеллар ва бошқа мол-мулкни ижара шартномаси асосида вақтинчалик фойдаланишга беришда бинолардан, иншоатлардан, жойлардан, асбоб ускуналардан, мебеллардан ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси белгиланади.

**Ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар ва ижара  
тўловларини ҳисоблаш тартиби**

**1. Худудий зоналар коэффициенти (Кз):**

№	Шаҳар ва туманлар номи	Зоналар	Худудий зоналар коэффициенти
1	Қарши шаҳри	1	2,5
	Шаҳрисабз шаҳри	1	2,5
	Бешкент шаҳри	2	2,2
	Китоб шаҳри	2	2,2
	Косон шаҳри	2	2,2
2	Қарши тумани	3	1,8
	Косон тумани	3	1,8
	Муборак тумани	3	1,8
	Шаҳрисабз тумани	3	1,8
	Китоб тумани	3	1,8
	Ғузор тумани	3	1,8
	Касби тумани	3	1,7
	Чирокчи тумани	3	1,5
	Яккабоғ тумани	3	1,5
	Нишон тумани	3	1,5
	Қамаши тумани	3	1,5
	Миришкор тумани	3	1,5
3	Дехқонобод тумани	4	1,2

**2. Бинонинг қурилишига кўра тури (Кк):**

- алоҳида турган бино, иншоот 1,5
- бинонинг ички қисмида жойлашган ва тақаб қурилган 1,3
- бинонинг юқори қисми, чердак, болахона 0,9
- ертула, ярим ертула 0,5

**3. Ёндош худудидан фойдаланиш коэффициенти (Кх):**

- ер майдони мавжуд бўлганда 0,8

**4. Тижорат йўлида фойдаланишда қўлайлиги (Ко):**

- асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда 0,5
- иккинчи даражали автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда 0,4
- радио, уяли ва пейджи алоқа антенналари ўрнатилганда 0,5

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = E_c \times K_z \times (K_k + K_x + K_o)$$

Бунда:

$T_c$  – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

$E_c$  – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.

**Радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари (техник ускуналар)  
ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари  
ҳисоблаш тартиби**

**1. Давлат мулки бўлган бино ва иншоотларнинг юқори қисми, чердак,  
болахона қисмларида ўрнатилганда:**

$$T_c = Э_c \times K_3 \times (K_k + K_x + K_o)$$

**T<sub>c</sub>** – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси  
**Э<sub>c</sub>** – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка (умумий ижара майдони  
тортқич қозикларнинг умумий периметри бўйича ҳисобланади)  
**K<sub>3</sub>** - ҳудудий зона коэффиценти  
**K<sub>k</sub>** - 0,9  
**K<sub>x</sub>** – 0  
**K<sub>o</sub>** – 0,5

**2. Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек алоҳида  
ажратилган майдонларга ўрнатилганда:**

$$T_c = Э_c \times K_3 \times (K_k + K_x + K_o)$$

**T<sub>c</sub>** – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси  
**Э<sub>c</sub>** – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка (умумий ижара майдони  
тортқич қозикларнинг умумий периметри бўйича ҳисобланади)  
**K<sub>3</sub>** – ҳудудий зона коэффиценти  
**K<sub>k</sub>** – 0  
**K<sub>x</sub>** – 0,8  
**K<sub>o</sub>** – 0,5

**3. Бино ва иншоотларнинг ички қисмида жойлашган хоналарга техник  
ускуналар ўрнатилганда:**

$$T_c = Э_c \times K_3 \times (K_k + K_x + K_o)$$

**T<sub>c</sub>** – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси  
**Э<sub>c</sub>** – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка  
**K<sub>3</sub>** – ҳудудий зона коэффиценти  
**K<sub>k</sub>** – 1,3  
**K<sub>x</sub>** – 0  
**K<sub>o</sub>** – 0,5